

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ БД – 5230600 – 11

2016 йил “ 9 ” 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

**БЮДЖЕТ ҲИСОБИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100 000 - Гуманитар соҳа; 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	110 000 – Педагогика; 230 000 – Иқтисод
Таълим йўналиши:	5111000 – Касб таълими (5230600 – Молия, 5230700 – Банк иши, 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 5231200 – Суғурта иши); 5230600 – Молия; 5230700 – Банк иши; 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (давлат сектори бўйича, реал сектор бўйича, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича); 5231200 – Суғурта иши; 5231300 – Пенсия иши; 5231500 – Баҳолаш иши

Тошкент - 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” 01 даги “26” – сонли буйруғининг 2 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январь даги “1” - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Меҳмонов С. - ТМИ, “Бюджет ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент;  
Остоноқулов А. - ТМИ, “Бюджет ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси.

#### **Тақризчилар:**

- Холбеков Р. - ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д., проф. (*турдош ОТМ*);  
Зулфиқоров Р. - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари-бош ҳисобчи бўлим бошлиғи (*Кадрлар буюртмачиси*)

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “28” августдаги 1/9.2. - сонли баённома).

## КИРИШ

Ушбу дастурда “Бюджет ҳисоби” фанининг мазмуни, предмети ва методи, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услубий жиҳатлари, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад ва харажатлари қисмининг ижроси ҳисоби, бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари, бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби, бюджет ташкилотларида номолиявий активлар ва молиявий активлар ҳисоби, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби, бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. “Бюджет ҳисоби” фанини чуқур ўрганиш давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Бюджет ҳисоби” фанининг асосий мақсади – талабаларда бюджет ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари юзасидан иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, фанни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда талабалардаги мазкур фан бўйича мустаҳкам билим кўникмаларни шакллантириш.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга бюджет тизими бюджетлари ижросида ҳисобга олинган активлар ва мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг услубий масалалари, уларда ҳисоб объектлари ҳисоби ва ҳисоботларини шакллантириш бўйича назарий ва амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

- “Бюджет ҳисоби” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:
- бюджет ҳисобини ташкил этишнинг аҳамияти ҳамда хусусиятлари;
  - давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети ижроси ҳисобини услубий асослари;
  - бюджет ташкилотлари сметалари ва улар ижроси ҳисобининг услубий асослари;
  - бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
  - давлат бюджети ижроси ҳисобини ташкил қилиш;

- давлат мақсадли жамғармалари бюджети ижроси ҳисобини ташкил қилиш;
- бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил қилиш услубиётини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- давлат бюджети ижроси ҳисоби;
- давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳисоби;
- бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини юритишда ахборот тизимларини қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши;**
- давлат бюджетини ижро этиш;
- давлат мақсадли жамғармалари бюджетини ижро этиш;
- бюджет ташкилотлари сметаларини ижро этишда активлар ва мажбуриятларга оид ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш **малакаларига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Бюджет ҳисоби” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Иқтисодиёт назарияси”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Иқтисодий таҳлил”, “Давлат бюджети”, “Молия”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” ва бошқа фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети даромадларини шаклланиши, харажатларини амалга ошириш, бюджет ижроси натижалари, бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси, номолиявий активлар, молиявий активлар, мажбуриятлар ҳамда сметалар ижроси натижалари ҳақида бухгалтерия ахборотларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, бюджет тизимининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Бюджет ҳисоби” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий хужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, амалий масалалар ечиш, портфолио, кейс-стади, шунингдек, УзАСБО дастурий таъминоти, мултимедиялардан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **“Бюджет ҳисоби” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Фаннинг мазмуни. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг методи ва унинг элементлари. Бюджет ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари. Фаннинг бюджет ижроси соҳасидаги вазифалари. Бюджет ҳисобининг бошқа махсус фанлар билан алоқаси. Бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларнинг турлари.

#### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услубий жиҳатлари**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисобварақлар ва бухгалтерия баланси. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ва улардан фойдаланиш.

#### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисми ижроси ҳисоби**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ижроси ҳисобини мақсади ҳамда вазифалари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ижроси ҳисобини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

#### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари қисмининг ижроси ҳисоби**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетлари харажатларининг ижроси ҳисобини мақсади ҳамда

вазифалари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетлари харажатларининг ижроси ҳисобини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

### **Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби**

Бюджетлараро муносабатлар ва улар ҳисобини мақсади ҳамда вазифалари. Субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар ҳисоби. Бюджет ссудаси ва унинг ҳисобини хусусиятлари. Бюджет ссудасини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар ва улар ҳисобини хусусиятлари. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларни ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Кредит линиялари ва кредитлар ҳисоби. Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳисоби. Бюджетлараро муносабатлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлар**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича натижаларни аниқлаш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича жорий ҳисобварақларни ёпиш. Давлат бюджети ижроси бўйича даврий ҳисоботларни шакллантириш. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича даврий ҳисоботларни шакллантириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

### **Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари**

Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида юритиладиган ҳисоб ҳужжатлари ҳамда регистрлари шакллари. Бюджет ташкилотларида қўлланиладиган ҳисобварақлар, уларни тайинланиши ва тузилиши. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий жиҳатлари. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишда қўлланиладиган ахборот тизимлари.

## **Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби**

Бюджет ташкилотларида сметалари таркиби ва уларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида штатлар жадвали ва уларни тузишнинг хусусиятлари. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартиби ва уларни ижроси ҳисоби. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва улар ижроси ҳисоби. Бюджет ташкилотлари сметалар ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиби.

## **Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби**

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш. Асосий воситалар эскириши ҳисоби. Асосий воситаларни таъмирлаш ва қурилишини ҳисобда акс эттириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби. Асосий воситаларни балансдан чиқарилиши ҳисоби. Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Номоддий активларни балансдан чиқарилиши ҳисоби. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

## **Бюджет ташкилотларида товар моддий заҳиралар ҳисоби**

Бюджет ташкилотларида товар моддий заҳиралар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва улар кирими ҳисоби. Тайёр маҳсулотни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Бошқа товар моддий заҳиралар киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Бошқа товар - моддий заҳираларни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Товар моддий заҳиралар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Товар моддий заҳиралар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

## **Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби**

Молиявий активлар ва улар ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларни очиш, ёпиш ва юритиш тартиби. Ҳисобварақларда бюджет маблағлари ҳисоби. Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби. Касса муомалалари ҳисоби. Бошқа пул маблағлари ва молиявий қўйилмалар ҳисоби. Молиявий активлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

## **Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби**

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Юридик ва молиявий мажбуриятларини ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказиш. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш

## **Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби**

Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ташкил этиш унинг мақсади ва вазифалари. Ходимлар билан камомадларга доир ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Хисобдор шахслар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар билан меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимларни иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан бошқа ҳисоблашувлар ҳисоби. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш

## **Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби**

Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Бюджет маблағлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Тўловларни махсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Яқуний молиявий натижалар ҳисоби. Молиявий натижалар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш

## **Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар**

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таркиби. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни тузиш тартиби. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни тузиш тартиби. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби. Жорий йилнинг



молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш

### **Амалий машғулот мавзуларининг тахминий рўйхати**

- “Бюджет ҳисоби” фанининг мазмуни, предмети ва методи;
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкилий - услубий жиҳатлари;
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисми ижроси ҳисоби;
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари қисмининг ижроси ҳисоби;
- Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби;
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлар;
- Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкилий-услубий жиҳатлари;
- Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби;
- Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби;
- Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисоби;
- Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби;
- Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби;
- Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби;
- Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби;
- Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали материаллар тайёрлаш, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил таълимнинг мавзулари**

Мустақил таълимнинг мавзулари тегишли кафедра йиғилишида тасдиқланади ва фаннинг ишчи ўқув дастурида келтириб ўтилади.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- маъруза машғулотларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан, таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот–коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан;
- амалий машғулотларда аклий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс стади каби усул ва амалий масалалар ечиш ва таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Меҳмонов С. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”. 2012. 352 б.;
2. Mehmonov S. va Ubaydullaev D. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi. Darslik. – Т.: “Sano - standart”. 2013. 454 б.;
3. Ostanaqulov M. Byudjet hisobi. Darslik. – Т.: “Talqin”. 2008. 424-б.

### **Қўшимча адабиётлар:**

4. Vaxobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. – Т.: “Noshir”., 2011 у. 712 б.;
5. Karimova Z.X., Djamalov X.N., Islamkulov A.X. Byudjet tizimi. O’quv qo’llanma. Т.: “VORIS NASHRIYOT”., 2012 у. ;
6. Nurmuxammedova B.I., Kabirova N.V., Moliya (to’ldirilgan va qayta ishlangan 3-nashri). Т.: “IQTISOD MOLIYA”., 2013у.;
7. Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2009. 132-б.

### **Интернет сайтлари:**

[www.lex.uz](http://www.lex.uz);  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);  
[www.mf.uz](http://www.mf.uz);  
[www.tfi.uz](http://www.tfi.uz).

